

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11633283>

## ПРОЦЕССЫ МОДЕРНИЗАЦИИ В УЗБЕКСКОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ

### MODERNIZATION PROCESSES IN UZBEK MUSICAL ART

ЎзМУ “Ижтимоий фанлар” факультети

3 курс таянч докторанти

Умрзаков И

**Аннотация:** Ушбу мақолада бетакрор мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, мусиқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш, уни кенг оммага етказиш имконини яратилиш жараёнлари келтириб ўтилган. Хусусан, миллий мусиқа маданиятининг бир йўналиши бўлган достончилик санъатининг мамлакатимизда азалдан шаклланиб, ривожланиб бугунги кунгача етиб келганлиги таъкидланган. Жумладан, достончилик санъати – халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимий эпик анъана, номоддий маданий мероснинг энг ёрқин намуналаридан бири эканлиги очиб берилган. Шунингдек, мустақилликдан кейинги мусиқа соҳасидаги узгаришлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** «Шарқ тароналари», «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ягонасан, муқаддас Ватан», фольклор санъати, эстрада симфоник оркестри, Мақом оҳанглари, мақом руҳи.

**Аннотация:** В данной статье затрагиваются процессы создания возможностей для глубокого изучения нашего уникального музыкального наследия, дальнейшего развития музыкального искусства и культуры, его распространения среди широкой публики. В частности, было отмечено, что в нашей стране до сегодняшнего дня формировалось и развивалось эпическое искусство, являющееся направлением национальной музыкальной культуры. В частности, выявлено, что искусство эпической письменности является одним из наиболее ярких примеров нематериального культурного наследия. Также освещены изменения в сфере музыки после обретения независимости.

**Ключевые слова:** «Восточные песни», «Узбекистан – моя страна», «Ты одна, святая страна», народное творчество, эстрадно-симфонический оркестр, мелодии макома, дух макома.

**Abstract:** In this article, the processes of creation of opportunities for deep study of our unique musical heritage, further development of musical art and culture, and its dissemination to the general public are mentioned. In particular, it was noted that the epic art, which is a direction of the national music culture, was formed and developed in our

country until today. In particular, it has been revealed that the art of epic writing is one of the most vivid examples of intangible cultural heritage. Changes in the field of music after independence are also highlighted.

**Key words:** “Oriental songs”, “Uzbekistan is my country”, “You are one, holy country”, folk art, pop symphony orchestra, Maqom melodies, Maqom spirit.

### КИРИШ.

Ўзбекистонда кескин равишда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий ҳамда маънавий ўзгаришлар юз берди. Фикримизча, Республикамиздаги бундай ижобий ўзгаришлар халқимизни янги-янги ижодий зафарларга чорламоқда. Мустақилликнинг ўтган даврида композиторлар Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрини, Муқимий номидаги мусиқий театри ва вилоятдаги барча театрларни, миллий симфоник оркестрни, хор жамоаларини, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларини, эстрада симфоник оркестрини, камер симфоник оркестрини, драма театрларни, болалар хор жамоаларини, дамли чолғулар оркестрлари ва бошқа ижрочи жамоаларнинг репертуарларини янги-янги мусиқий асарлар, спектакллар билан доимий равишда бойитиб келмоқдалар. Шу билан бирга уюшма аъзолари республикамизда ҳар йили ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ягонасан, муқаддас Ватан» қўшиқ танловларида, ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалларида фаол қатнашмоқдалар.

### МЕТОДЛАР.

Таҳлил қиладиган бўлсак, вақт ўтиши билан мусиқий қарашлар, уларни тадқиқ этиш, йўналишларни белгилаш, менталитетдан келиб чиқиб асарларни ижро этиш ва ҳис қилиш ўзгариб боради. Бу цивилизацияга ҳам боғлиқ бўлган жараён дир. Бугунги кунда мусиқа ижодиётига XX аср композиторларининг илмий ёндашувини янада изчил тадқиқ этиш лозимлиги аён бўлди. Шу боис, Ўзбекистон композиторларидан В.Успенский ва А.Козловскийларнинг мақолалари, “М.Бурҳонов, М.Ашрафий, Т.Қурбонов ва Р.Абдуллаевнинг китоб дарсликлари, И.Акбаров, М.Тожиев, Ф.Янов-Яновский, М.Бафоев, Х.Раҳимов, Ф.Алимов, Д.Амануллаева, О.Абдуллаева каби ижодкорларнинг ўқув-қўлланмалари, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газета ва журналлардаги «чиқишлари» диссертациянинг методологик асоси бўлиб хизмат қилди” (Абрарова М.Ф. 2018. – Б. 9-10).

Юқорида келтирилган композиторларнинг ижодий фаолияти профессионализм устига қурилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мисол учун, М.Бурҳонов Ўзбекистон Республикаси давлат Мадҳиясини ёзган бўлса, О.Абдуллаева болалар учун асарларни ёзиш илан машҳур бўлган. Юртимиздаги кўплаб сиёсий тадбирларла иштирок этувчи болалар қўшиқларининг аксарият муаллифи ҳам айнан О.Абдуллаевага тегишли эканлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, Д.Амануллаева томонидан басталанган «Гўзал Тошкент», «Сен қайдасан» ва кўплаб бошқа асарлар мусиқа ва

санъат мактаблари, академик лицейлар, ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда бошқа ижодий таълим муассасаларда кенг ижро этилиб келинмоқда.

Муסיқа ўз этник ва географик жойлашувига қараб ўзагаради, янграйди ва ижро этилади. Мисол учун, Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, водий ҳамда воҳанинг усуллари, ритмикалари ўзаро фарқ қилади. Хусусан, муסיқашунос О.Матёқубов ўзбек мақомчилик анъаналарига бағишланган қатор тадқиқотларида ритмика масалаларини алоҳида тадбиқ қилади. Ушбу жиҳатдан олимнинг айниқса, «Форобий Шарқ муסיқаси асослари ҳақида» китоби диққатга лойиқдир. О.Матёқубов бунда Форобийнинг «Китобул-муסיқо ал-кабир» асарига таяниб, мутафаккирнинг ийқоъ назариясига тегишли энг умумий маълумотларни келтиради: жумладан нақрлар ва асосий рукнларнинг /сабаб, ватад, фосила/ ҳосил бўлиши, асл ва фаръий/ О.Матёқубов иборасига биноан /ийқоълар, етти асосий ритмик шакллар ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга, унинг мазкур тадқиқотида Фаробийнинг «ийқоъ таълимоти жуда умумий даражада баён этилган бўлиб, бунда Форобийнинг «Китобул-ийқоъот», «Китоб фи ихсоил-ийқоъот» рисоалар четлаб ўтилади» (Назаров А.Ф. – 1995. – Б.17).

Дарҳақиқат, юқорида айтиб ўтганимиздек, муסיқа инсоннинг умри давомида у билан ҳамоҳанг бўлиб яшайди. Болалар дунёга келиб, улғайиши давомида қандай муסיқани тинглаши, қайси муҳитда камол топиши унинг шахс сифатида шаклланишига катта таъсир қилади. Шахсий кичик тажриба сифатида шуни айта олман-ки, ёшлигидан миллий муסיқа тинглаб улғайган, устоз-шогирд анъаналарини ҳис этган, ўзбек муסיқасини жонли ижро этилишини мунтазам равишда кузатган инсоннинг фикрлаши, дунёқараши, қадриятлари, сўз бойлиги ва тарбияси ёшига нисбатан катталарникидек кўринади.

Бугунги кунда бетакрор муסיқий меросимизни чуқур ўрганиш, муסיқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш, уни кенг оммага етказиш имконини яратди. Бу борада қилинаётган ишларнинг истиқболли мазмун касб этишида мамлакатимизнинг гўзал ҳудудларидан бири бўлган Шаҳрисабз заминида Халқаро мақом санъати анжуманининг ҳамда Сурхондарёда ўтказилаётган Халқаро фольклор санъати фестивалининг аҳамияти беқиёсдир. Т.Шокиров фикрича: «мазкур тадбирлар ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, шунингдек, муסיқа санъатини янада юксак поғоналарга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Миллий муסיқа санъатидаги янгиланиш жараёнларида турли йўналишларда ўтказиладиган ижодий танловлар, фестиваллар, халқаро ижодий ҳамкорликнинг ўрни ниҳоятда катта» (Шокиров Т. 2022. – Б. 32).

Ўзбекистонда замонавий симфоник муסיқа санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида «Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорликда 1998, 2000, 2002, 2005 йилларда Халқаро симфоник муסיқа фестивалини, «Илҳом» ёшлар театри билан ҳамкорликда 1996-2006 йиллар

мобайнида Тошкентда Халқаро замонавий камер мусиқа фестивалларини, 2003, 2008, 2013 йилларда «Давр садолари-I, II, III» мусиқа фестивалларини, 2002, 2005, 2007, 2009, 2011 йилларда Назира Аҳмедова номидаги Республика ва Халқаро хонандалар танловларини ўтказди» (Жабборов А. 2015. – Б.10). Шу билан бирга, бундай нуфузли мусиқа фестиваллар ҳамда танловларда композитор ва мусиқашунослар ҳар йили фаол иштирок этиб келмоқдалар.

### ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Адабиётлар таҳлилича, фольклор асарларининг тарихини анъанавийлик, келажаги ва ривожланиш истиқболини қўйидаги яшаш шакллари белгилаб беради:

- архив материаллари сифатида, шунингдек, кино сценарийларда;
- кўрик танловлар ва оммавий-маданий байрамлар, театрлашган томошаларда;
- оммавий ахборот воситалари, газета журналларда ва илмий тадқиқот ишлари

шулар жумласидандир.

Мусиқа фольклорининг турли жанрларида бой маънавий мерос қолдирган Дарвеш Али Чангий, ўзи тузган луғатда халқ қўшиқларидан мисоллар келтирган Шайх Сулаймон Бухорий ўзбек фольклор асарларининг илк тўпловчилари бўлган. «Ўзбек фольклоршунослиги мактаби вакиллари томонидан фольклор асарларини тўплаб, архивлаштириш ва илмий тавсифлаш борасида ўтган асрнинг 20-йилларидан буён изчил иш олиб борилмоқда. Турли йилларда Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Б.Каримов, М.Алавия, З.Ҳусайнова, Ғ.Жаҳонгиров, С.Қосимов, М.Муродов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсақов каби олимлар илмий сафарларда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид материаллар топлаганлар» (Тўлабоев О. 2017. – Б.14).

Дарҳақиқат, миллий мусиқа маданиятининг яна бир йўналиши бўлган дostonчилик санъати мамлакатимизда азалдан шаклланиб, ривожланиб бугунги кунгача етиб келганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, дostonчилик санъати – халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимий эпик анъана, номоддий маданий мероснинг энг ёрқин намуналаридан биридир. Шу жиҳатдан қараганда, «Дoston» сўзининг яна бир маъноси – бу эл орасида гапирмоқ, куйламоқ, оғизга тушмоқ демакдир.

Халқ оғзаки адабиётида дoston энг аҳамиятлидир. Дoston қабилавий турмуш намунаси бўлганлиги учун ҳам қабила ҳаётининг барча хусусиятларини кўрсатиб берадиган жанрлардан бири. Биз ўзбек дostonлари таҳлил қиладиган бўлсак, унда ўзбек уруғлари қаҳрамонларининг табиатлари, уларнинг қабила турмушдаги ўрни ва аҳамияти, ўз давридаги ижтимоий турмушнинг бутун борлиғи билан яқиндан танишиш мумкин. Жумладан, ўз даврининг машҳур олимларидан бири Ғози Олим Юнусов ўзбекларнинг машҳур оқинлари Ҳамроқул бахши, Фозил жиров Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonини далил қилиб келтириш мумкин. Профессор Т.Мирзаев маълумотига кўра, Булунғир дostonчилигида қаҳрамонлик дostonларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган. Бу дostonчилик мактабнинг сўнги вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Малика айёр» каби дostonлар ёзиб

олинган. Ўз даврида Ғози Олим Юнусов томонидан Фозил жиров Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достонидан Т.Мирзаев ёзиб олган «Алпомиш» достони ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради ва мазкур асар бутун дунё фольклоршунос олимлари томонидан тан олинган» (Каримова М., Абдуллаева Н. 2019. – Б.176).

Ўзбек дostonчилиги ижро усулига кўра хилма-хил кўринишларга эга бўлади. Таниқли олимлар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарипов, М.Саидов, Т.Мирзаев, Б.Саримсақовларнинг олиб борган илмий ўрганиш натижаларига кўра дostonлар мазмунан мақол, эртак, қўшиқ сингари турларга бўлинади. Халқ оғзаки ижодидаги қўшиқ, эртак жанрларида тарихий воқеалар ўз ифодасини топгани каби дostonларда ҳам ўтмиш муҳрланган асарлар мавжуд. Бундай асарлар фольклоршуносликда тарихий дostonлар деб юритилади.

Миллий мусиқа маданиятининг мумтоз йўналишларидан бири бўлган Мақом санъатидир. Мақомлар ўзбек мусиқа меросида жуда катта ўрин тутди. Улар қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган ўзбек халқи профессионал мусиқа санъатининг ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Мақомлар халқ мусиқаси санъати таъсирида фольклор ривожига ва умуман ўтмишнинг мусиқий меросига ижобий таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам мақом санъатини номоддий мероси сифатида илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, миллий мақом санъати номоддий маданий мерос сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги мазкур санъат турининг умри узайишига олиб келди. Бу эса, «Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур» лигини кўрсатади (Мирзиёев Ш.М. 2019. – Б. 102).

Шарқ халқларининг мусиқий бойлиги бўлган мақом, муғом, навба, рага, кюи сингари мусиқий ижрочиликнинг аниқ туркумлари турли даврларда турлича кўриниш ва йўналишларда ижро этилиб келинди ва ривожланди. Мақом – етук ва ўзига хос оғзаки профессионал мусиқа туркуми жанри бўлиб, ўрта асрларда бастакорлар томонидан яратилган. Мақомлар чолғу ва ашула йўллари ҳамда йирик туркум сифатида юзага келиб, ўзига хос ривожланган кўйлари, мураккаб шакл-шамойили, мукамал ижро услуби билан ажралиб турганлигини айтиш мумкин. Бу ўринда таниқли мусиқашунос олим И.Ражабов шундай деб таъкидлаганлар: «...катта формадаги халқ мусиқа асарларини ижро этишда чолғучи ва ҳофиз махсус малака ҳосил қилган бўлиши, мақомларни ижро этиш техникасини юксак даражада эгаллаган бўлиши лозим. Сифатсиз ижро этиш айниқса мақом йўлларини бир дақиқада инсонда нотўғри тасаввур қолдириши мумкин» (Ражабов И. 1963. – Б. 268).

Ўзбекистонда «Шашмақом», «Хоразм мақомлари», «Фарғона-Тошкент мақомлари», дутор ва сурнай мақом туркумлари ҳамда мақом чолғу ва ашула йўллари мавжуд. Улар ҳозирги кунда республикада профессионал ва ҳаваскор

мақом ансамбллари, созанда ва хонандалар томонидан ижро этилиб келинмоқда. Анъанавий «устоз-шогирд» мактаблари ворисийлик асосида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Республикамизнинг турли бурчакларида ҳаваскорликнинг ашула ва рақс, айниқса, фольклор-этнографик ансамбллар, оилавий санъат дасталари каби шакллари кенг тарқалганини ва асрлар давомида шаклланган санъат дурдоналарини сақлаб қолиш, халқимизга қайтариш борасида самарали фаолият олиб бораётганини таъкидлаш зарур. Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб этишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва кадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарбия тизимига боғлиқ.

Айни пайтда, ўзбек миллий мусиқа санъати маданиятимизнинг барча соҳаларини жаҳон маданияти ютуқлари асосида бойитиш ва ривожланишнинг янги босқичига кўтаришда ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Буларнинг барчаси ўз навбатида юрт манфаати ва миллат истиқболи йўлида қайғурадиган янги инсонни тарбиялашдек бош вазифани ҳал этишга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, маданият жабҳасида фаолият олиб бораётган турли ижодий ташкилот ва бирлашмалар аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий маданият, адабиёт, санъат, мусиқа, театр, кино ютуқларини, маънавий ва ахлоқий кадриятларни кенг тарғиб этиш борасида сермаҳсул натижаларга эришаётганларини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёшларнинг ўзбек миллий мусиқа санъатини шакллантиришда қуйидаги асосий кўрсаткичлар пировард натижа эканлигини ёдда тутмоғи лозим: «

- ёшлардада миллий эстрада қўшиқчилигига нисбатан қизиқиш ва ҳавас тобора орта боришини таъминлаш;

- ёшларнинг ижодий фаоллиги ва ташаббуси орта боришида эстрада қўшиқлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини белгилаш;

- мусиқани диққат ва иштиёқ билан тинглаш, асарлардан хушсозлик, хушовозлик ва гўзалликни англай олиш, унга ўз муносабатини билдира олиш малакаларини шакллантириб бориш;

- мусиқий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва тажрибаларни ўзлаштирган бўлиши;

- ёшларда мусиқа санъати таъсирида гўзалликка интилиш, ростгўйлик, дўстликни қадрлаш каби эстетик қарашларнинг таркиб топа бориши;

- ўзини тута билиш, муомала, кийиниш каби эстетик маданиятнинг бир қатор сифатларини шакллантириб бориш шулар жумласидандир» (Турсунова Л. 2023. - Б. 657).

Демак, ёшларда хушсозлик, хушовозлик ва гўзалликни англай олиш, унга ўз муносабатини билдира олиш дунёқарашини шакллантириш, мусиқа назарияси таъсирида гўзалликка интилиш, кийиниш ва эстетик дидни ривожлантириш ҳам уларнинг мусиқа маданиятининг асоси ҳисобланади.

**ХУЛОСА**

Ўзбек халқи ўзининг бой бадиий маданий меросига, жаҳон санъати ривож тарихида ўзига хос ўрнига, дostonчилик ва миллий мақом санъатнинг замонавий йўналишлари, бахшичилик бўйича шакланган анъана ва мактабларга эга. Ушбу мерос ва тажрибани чуқур ва илмий асосда ўрганиш, ривожланиш истиқболларини белгилаш, мазкур йўналишлардаги фаолиятни тизимли ташкил этиш ҳаётий-амалий аҳамиятга эгаллиги шубҳасиздир. Турли йўналишларда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари, марказлар, уюшмалар, жамғармалар ҳам мазкур тизимнинг зарурий ва энг муҳим элементи ҳисобланади. Улар бугунги кунда маданий меросимиз бўлган миллий мусиқа санъатини ўрганиш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф одатларимизни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаолият олиб бориш, фольклор экспедициялари ташкил этиш, доимий равишда турли фестивалъ, кўрик, танлов, ижодий кечалар ўтказиш, иқтидорли ёшлар ижодини рағбатлантириш борасида самарали фаолият кўрсатиб берувчи механизмни ишлаб чиқиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абрарова М.Ф. XX-XXI аср композиторларининг адабий-танқидий ижодиётида миллий ва умуминсоний тамойиллар: Санъатшунослик бўйича фалсафа доктори (PhD) диисертацияси. – Тошкент: ЎзДК, 2018. – Б. 9-10.
2. Назаров А.Ф. Мумтоз ийқоъ назарияси Форобий ва Ибн Синонинг мусиқий ритмика таълимоти. Санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига даъвогарлик диссертацияси. – Тошкент: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти. – 1995. – Б.17.
3. Шокиров Т. Миллий мусиқа маданияти ва унинг ривожланиш истиқболлари (фольклор, дostonчилик, мақом мисолида) // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN: 2181-3337. 2022. – Б. 32.
4. Жабборов А. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари // Маълумотномаси. – Тошкент: 2015. – Б.10
5. Тўлабоев О. Ўзбек фольклоршунослиги онтологияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б.14
6. Каримова М., Абдуллаева Н. Фольклоршуносликда бахшиларнинг ўзига хос хусусиятлари // Буюк ипак йўли фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари: Халқаро илмий-амалий коференцияси мақолалар тўплами. – Фарғона.: 2019. – Б.176
7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улўф халқнинг иши ҳам улўф, ҳаёти ёруф ва келажиги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 3-том. 2019. – Б. 102
8. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. – Т., 1963. – Б. 268.
9. Турсунова Л. Ёшлар мусиқа маданиятини тадқиқ этишнинг долзарб вазифалари // Международный научный журнал № 11 (100), часть 2 «Новости образования: исследование в XXI веке». 2023. – Б. 657